

**Узбекское агентство связи и информатизации
Государственное унитарное предприятие Центр научно-технических и
маркетинговых исследований – «UNICON.UZ»
(ГУП «UNICON.UZ»)**

**Русско-узбекский толковый словарь
терминов по коммутационным системам**

**Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги
«UNICON.UZ» - Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари
маркази давлат унитар корхонаси
(«UNICON.UZ» ДУК)**

**Коммутация тизимларига оид атамаларнинг
русча-ўзбекча изоҳли луғати**

Тошкент 2009

Под общей редакцией директора ГУП «UNICON.UZ»,
кандидата технических наук Махмудова М.
Словарь составлен Мирхабибовым А.,
переведен и отредактирован Гиясовым З., Ахмедовой Ё., Тулягановым Ш.

Компьютерный набор: Юсупова К., Камиллов Д.

Рецензенты: Заведующей кафедрой «Телекоммуникационные технологии и коммутационные системы» Ташкентского университета информационных технологий, кандидат технических наук, доцент Эшмуратов А. и доцент кафедры, кандидат технических наук Гултураев Н.

«UNICON.UZ» ДУК директори, техника фанлари номзоди М.Махмудовнинг
умумий таҳрири остида.
Луғат А.Мирхабибов томонидан тузилди,
З.Гиясов, Ё.Аҳмедова, Ш.Тўлагановлар томонидан
таржима ва таҳрир қилинди.

Компьютер ишлари: К.Юсупова, Д.Комиллов.

Тақризчилар: Тошкент ахборот технологиялари университети
«Телекоммуникация технологиялари ва коммутация тизимлари» кафедраси
мудирини, техника фанлари номзоди, доцент А.Эшмуратов, кафедра доценти,
техника фанлари номзоди Н.Гултураев

Содержание

Введение	V
Русско-узбекский толковый словарь терминов по коммутационным системам	1
Алфавитный указатель терминов на русском языке	123
Алфавитный указатель терминов на узбекском языке	138
Алфавитный указатель терминов на английском языке	153
Список сокращений	168
Список использованных литератур	171

Мундарижа

Кириш.	VI
Коммутация тизимларига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати	1
Атамаларнинг рус тилидаги алифбо кўрсаткичи	123
Атамаларнинг ўзбек тилидаги алифбо кўрсаткичи	138
Атамаларнинг инглиз тилидаги алифбо кўрсаткичи	153
Қисқартмалар рўйхати	168
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	171

Введение

Кроме цифровых коммутационных систем используемых в настоящее время на сетях телекоммуникаций операторов для удовлетворения растущих потребностей абонентов к услугам телекоммуникаций (широкополосный доступ Интернет, мультимедийная связь и др.) используются сети последующего поколения NGN. Основным принцип NGN заключается в построении единой сетевой инфраструктуры для оказания любых видов услуг, что фактически предполагает работу с любым видом трафика на одной сетевой инфраструктуре, основывающейся на пакетной коммутации сигналов. Процесс конвергенции сетей и услуг, происходящий в настоящее время требует использование новых терминов, определяющих элементы и процедуры, используемые в конвергентных сетях.

Более того монтаж и применение специалистами сферы связи и информатизации систем коммутации разных стран и фирм-производителей, а также их взаимодействие при эксплуатации требуют знания специальных терминов в области коммутационных систем. Эти факторы и предопределили необходимость создания толкового словаря терминов по коммутационным системам.

«Русско-узбекский толковый словарь терминов по коммутационным системам» издается впервые. Словарь является результатом работы специалистов Службы терминологии и словарей, с привлечением других специалистов ГУП «UNICON.UZ». При составлении словаря авторы пользовались материалами технической литературы и справочников, учебными пособиями, рекомендациями Международного союза телекоммуникаций и материалами Интернет.

Словарь включает в себя более 600 терминов, расположенных в алфавитном порядке.

Данный словарь содержит термины с соответствующими определениями по следующим направлениям:

- основные понятия;
- сети телекоммуникаций;
- оконечные (телефонные) устройства сети телекоммуникаций;
- коммутационное оборудование (телефонное);
- оборудование коммутационного поля;
- коммутационные приборы.

Словарь рассчитан на специалистов сферы связи и информатизации, научных работников, переводчиков, преподавателей, аспирантов и студентов.

Заранее выражаем признательность за замечания и предложения. Они будут учтены при подготовке очередного издания словаря.

Наш адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Богишамол, 7а.
Государственное унитарное предприятие
Центр научно-технических и маркетинговых исследований – «UNICON.UZ» Служба терминологии и словарей.

Кириш

Абонентларнинг телекоммуникациялар хизматлари (Интернетдан кенг полосали фойдалана олиш, мультимедиа алоқа ва б.лар.) га бўлган ошиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида, ҳозирги пайтда операторларнинг телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланилаётган рақамли коммутация тизимларидан ташқари, NGN кейинги авлод тармоқларидан ҳам фойдаланилмоқда. NGN нинг асосий принципи хизматларнинг ҳар қандай турларини кўрсатиш учун ягона тармоқ инфраструктурасини яратишда ифодаланади, бу эса, сигналларни пакетли коммутациялашга асосланган битта тармоқ инфраструктурасида трафикнинг исталган тури билан ишлашни тақозо этади. Тармоқлар ва хизматларнинг ҳозирги пайтда юз бераётган конвергенция жараёни конвергент тармоқларда фойдаланиладиган элементлар ва процедураларни белгиловчи янги атамалардан фойдаланилишини талаб этади.

Бундан ташқари, алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассислари томонидан турли мамлакатлар ва ишлаб чиқарувчи фирмалар коммутация тизимларининг монтаж қилиниши ва қўлланилиши, шунингдек, фойдаланишдаги уларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳам коммутация тизимлари соҳасида махсус атамаларни билиш зарурлигини талаб этади. Айнан шу мулоҳазалар коммутация тизимлари бўйича атамаларнинг изоҳли луғатини яратиш заруратини келтириб чиқарди.

«Коммутация тизимларига оид атамаларнинг русча-ўзбекча изоҳли луғати» биринчи марта нашр қилинмоқда. Луғат Атамашунослик ва луғатлар хизмати, шунингдек, «UNICON.UZ» ДУК бошқа мутахассисларининг меҳнати самарасидир. Луғатни яратишда техника адабиётларидан ва ўқув қўлланмаларидан, Халқаро телекоммуникациялар иттифоқи тавсияларидан ҳамда Интернет материалларидан фойдаланилди.

Луғат алифбо тартибида жойлаштирилган, қуйидаги йўналишлар бўйича тегишли таърифлари бўлган 600 дан ортиқ атамани ичига олади:

- асосий тушунчалар;
- телекоммуникациялар тармоқлари;
- телекоммуникациялар тармоқларининг четки (телефон) қурилмалари;
- коммутацион (телефон) ускуна;
- коммутация майдони ускунаси;
- коммутацион асбоблар.

Луғат алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси мутахассисларига, илмий ходимларга, таржимонларга, ўқитувчиларга, аспирантлар ва талабаларга мўлжалланган.

Луғат юзасидан билдириладиган фикр-мулоҳазалар ва таклифлар учун олдиндан миннатдорчилик билдирамиз. Улар луғатнинг кейинги нашрини тайёрлашда ҳисобга олинади.

Бизнинг манзил: 100084, Тошкент ш., Боғишамол кўчаси, 7а уй.
«UNICON.UZ» – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази Давлат унитар корхонаси,
Атамашунослик ва луғатлар хизмати.

Термин

Определение

А

Абонент сети

телекоммуникаций

uz - телекоммуникациялар тармоғи абоненти

en - subscriber of telecommunication network

Физическое или юридическое лицо, имеющее договорные отношения с оператором телекоммуникации на получение услуг связи определенного вида.

Телекоммуникациялар оператори билан муайян турдаги алоқа хизматлари кўрсатилиши юзасидан шартнома муносабатларига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

Абонент телематической службы

uz - телематик хизмат абоненти

en - subscriber of telematics services

Физическое или юридическое лицо, имеющее договорные отношения с оператором на получение услуг связи телематической службы. Абонент может быть как отправителем, так и получателем информации.

Оператор билан телематик хизматнинг алоқа хизматлари кўрсатилиши юзасидан шартнома муносабатларига эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс. Абонент ахборот олувчи ҳам, ахборот жўнатувчи ҳам бўлиши мумкин.

Абонентская линия

uz - абонент линияси

en - subscriber line

Линия между станцией сети телекоммуникаций и терминальным оборудованием.

Телекоммуникациялар тармоғи станцияси билан терминал ускуна орасидаги линия.

Абонентская установка телеграфной связи или передачи данных

uz - телеграф алоқа ёки маълумотлар узатиш абонент қурилмаси

en - subscription installation telegraph relationship or data communication

Оборудование, находящееся в распоряжении абонента сети, включая оконечную телеграфную установку или оконечную установку передачи данных и возможное дополнительное оборудование.

Четки телеграф қурилмаси ёки четки маълумотлар узатиш қурилмаси ҳамда қўшимча ускуна билан биргаликда тармоқ абонентининг тасарруфига бўлган ускуна.

А

Абонентский номер местной телефонной сети

uz - маҳаллий телефон тармоғининг абонент рақами

en - local telephone network subscriber number

Абонентский телефонный счетчик

uz - абонент телефон ҳисоблагичи

en - subscriber telephone meter

Абонентский терминал

uz - абонент терминали

en - subscriber terminal

Абонентское устройство

uz - абонент қурилмаси

en - subscriber's unit

Аварийная сигнализация

uz - авария сигнализацияси

en - alarming

Номер, выделяемый абоненту при заключении договора на оказание услуг телекоммуникаций, по которому идентифицируется подключенное к сети телекоммуникаций окончное (терминальное) оборудование.

Телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш юзасидан шартнома тузилганда абонентга ажратиладиган рақам. Бу рақамга қараб, телекоммуникациялар тармоғига уланган четки (терминал) ускуна идентификация қилинади.

Абонентское телефонное устройство, предназначенное для учета числа состоявшихся телефонных разговоров и/или их продолжительности.

Бўлиб ўтган телефон сўзлашувлар сонини ва/ёки уларнинг давомийлигини ҳисобга олиш учун мўлжалланган, абонент телефон қурилмаси.

Терминал, находящийся в распоряжении абонента телематической службы.

Телематик хизмат абонентининг тасарруфидаги терминал.

Устройство, обеспечивающее абоненту телефонной сети подключение к коммутационной станции, передачу информации по выбору абонента, информационной или справочной служб телефонной сети и ведения разговора.

Телефон тармоғи абонентига коммутация станциясига уланиш, абонент танлаш учун, телефон тармоғининг маълумот бериш ёки ахборот хизматларининг маълумотини узатиш имконини берувчи қурилма.

Совокупность датчиков и устройств, с помощью которых осуществляется контроль за состоянием работающей системы и оповещение о неисправности с помощью световых или звуковых сигналов.

А

Датчик ва қурилмалар мажмуи. Уларнинг ёрдамида ишлаётган тизим ҳолати устидан назорат амалга оширилади, ёруғлик ва товуш сигналларини узатиш орқали носозлик тўғрисида хабар берилади.

Аварийное питание

uz - авария таъминоти

en - emergency power

Автономный источник электроэнергии, не связанный с основным источником.

Асосий манба билан боғланмаган автоном электр энергия манбаи.

Аварийный сигнал

uz - авария сигнали

en - alarm

1. Сигнал оповещения, генерируемый в случае, если произошел отказ или контролируемый параметр вышел за допустимые пределы.

2. Сигнализатор; устройство аварийной сигнализации. Устройство, с помощью которого осуществляется подача звуковых или световых сигналов, предупреждающих обслуживающий персонал о неисправности или возникновении нештатной ситуации.

1. Ишламай қолишларда ёки назорат қилинадиган параметр йўл қўйиладиган чегарадан четга чиққанда узатиладиган хабардор қилиш сигнали.

2. Сигнализатор; авария сигнализация қурилмаси. Хизмат кўрсатадиган ходимларни носозлик ёки штатдан ташқари вазият юзага келганлиги тўғрисида огоҳлантирувчи товуш ёки ёруғлик сигналларини узатадиган қурилма.

Автоинформатор

uz - автоинформатор

en - autoinformer

Устройство коммутационной станции, позволяющее абоненту телефонной сети получать информацию о состоянии номера вызываемого абонента.

Коммутация станциясининг, телефон тармоғи абонентига чақирилаётган абонентнинг рақами тўғрисида маълумот олиш имконини берадиган қурилмаси.

А

Автоматическая междугородная телефонная станция (АМТС)

uz - шаҳарлараро автоматик телефон станцияси (ШАТС)
en - automatic toll exchange

Автоматическая телефонная станция (АТС)

uz - автоматик телефон станцияси (АТС)
en - automatic exchange;
central office (CO)

Автоматическая телефонная станция (узел) декадно-шаговой системы (АТС ДШ)

uz - декада-кадамли тизим автоматик телефон станцияси (узели) (ДҚ АТС)
en - step-by-step exchange

Автоматическая телефонная станция (узел) квазиэлектронной системы (АТСКЭ)

uz - квазиэлектрон тизим автоматик телефон станцияси (узели) (КЭ АТС)
en - quasiaelectronic exchange

Автоматическая телефонная станция (узел) координатной системы (АТСК)

uz - координата тизими автоматик телефон станцияси (узели) (КАТС)
en - crossbar exchange

Автоматическая междугородная телефонная станция, обеспечивающая установление внутризоновых и междугородных соединений.

Зона ичидаги ва шаҳарлараро боғланишлар ўрнатилишини таъминлайдиган шаҳарлараро автоматик телефон станцияси.

Телефонная станция, обеспечивающая автоматическое установление телефонных соединений и разъединений.

Телефон боғланишлар ва узилишларнинг автоматик равишда ўрнатилишини таъминловчи телефон станцияси.

Автоматическая телефонная станция (узел), коммутационное поле которой построено на декадно-шаговых искателях, а управляющие устройства – на электромагнитных реле.

Коммутация майдони декада-кадамли излагичлар, бошқариш қурилмалари эса, электромагнит реле-лар асосида қурилган автоматик телефон станцияси (узели).

Автоматическая телефонная станция (узел), коммутационное поле которой построено на малогабаритных коммутационных приборах связи, а управляющие устройства – электронные.

Коммутация майдони кичик ўлчамли коммутация алоқа асбоблари, бошқарув қурилмалари эса, электрон асбоблар асосида қурилган автоматик телефон станцияси (узели).

Автоматическая телефонная станция (узел), коммутационное поле которой построено на многократных координатных соединителях, а управляющие устройства – на электромагнитных реле с использованием полупроводниковых приборов.

Коммутация майдони кўп мартали координата улагичлари, бошқарув қурилмалари эса, яримўт-

А

Автоматическая телефонная станция (узел) релейной системы
uz - релели автоматик телефон станцияси (узели)
en - relay exchange

Автоматическая телефонная станция (узел) цифровая
uz - рақамли автоматик телефон станцияси (узели)
en - digital exchange

Автоматическая телефонная станция (узел) электронной системы (АТСЭ)
uz - электрон тизим автоматик телефон станцияси (узели) (ЭАТС)
en - electronic exchange

Автономный концентратор
uz - автоном концентратор
en - null-attachment concentrator (NAC)

казгичли асбоблардан фойдаланилган электромагнит релелар асосида қурилган автоматик телефон станцияси (узели).

Автоматическая телефонная станция (узел), управляющие устройства и коммутационное поле, которой построены на электромагнитных реле.

Бошқарув қурилмалари ва коммутация майдони электромагнит релелар асосида қурилган автоматик телефон станцияси (узели).

Автоматическая телефонная станция (узел), управляющие устройства и коммутационное поле которой построены на электронных (цифровых) приборах.

Бошқарув қурилмалари ва коммутация майдони электрон (рақамли) асбоблар асосида қурилган автоматик телефон станцияси (узели).

Автоматическая телефонная станция (узел), управляющие устройства и коммутационное поле которой построены на электронных приборах.

Бошқарув қурилмалари ва коммутация майдони электрон асбоблар асосида қурилган автоматик телефон станцияси (узели).

Концентратор, который не имеет сетевых портов и вследствие этого не может быть непосредственно подключен к основной магистрали. В сети стандарта FDDI он играет роль промежуточного звена, позволяя объединить между собой несколько рабочих станций.

Тармоқ портларига эга бўлмаган ва бунинг натижасида асосий магистралга бевосита улана олмайдиган концентратор. FDDI стандарти тармоқ-ғида бир нечта ишчи станцияни ўзаро бирлаштириш имконини берган ҳолда, оралиқ звено вазифасини бажаради.

А

Агент

uz - агент

en - agent

В модели «клиент-сервер» часть системы, которая обеспечивает подготовку и обмен информацией от имени клиента или сервера. В SNMP (Simple Network Management Protocol – простой протокол управления сетью) ссылается на управляемую систему.

«Мижоз-сервер» моделида мижоз ёки сервер номидан ахборотни тайёрлаш ҳамда алмашишни таъминлайдиган тизимнинг бир қисми. Тармоқни бошқариш оддий протоколи – SNMP (Simple Network Management Protocol) да бошқарувчи тизимга таянади.

Агент пользователя

uz - фойдаланувчи агенти

en - user agent

Прикладной процесс модели взаимодействия открытых систем, представляющий пользователя в системе. От имени пользователя может принимать и отправлять сообщения, а в некоторых случаях даже создавать.

Фойдаланувчини тизимда ифода этувчи, очик тизимлар ўзаро ишлай олиш моделининг амалий жараёни. Фойдаланувчи номидан хабарлар қабул қилиши, жўнатиши, баъзи ҳолларда эса, ҳатто тузиши мумкин.

Адрес назначения

uz - тайинланган адрес

en - destination address

Сетевой адрес устройства-получателя данных.

Маълумотларни олувчи қурилманинг тармоқ адреси.

Адресация в АТМ

uz - АТМ да адреслаш

en - АТМ address

Сети АТМ относятся к сетям большой размерности, в которых принята иерархическая адресация, также как и в телефонных сетях, с использованием префиксов, подобных кодам зон и номерам телефонных станций. Коммутаторы АТМ разделяют адресную информацию между подключенными оконечными станциями и хранят их адреса в маршрутных таблицах. Адреса источника и места назначения не включаются в каждую ячейку, они используются коммутаторами для установления виртуального пути и идентификаторов виртуальных каналов (VPIs/VCIIs).

А

АТМ тармоқлари телефон тармоқларида бўлгани каби, иерархик адреслаш қабул қилинган, зона кодларига ва телефон станцияларининг рақамларига ўхшаш префикслардан фойдаланиладиган, катта ўлчамдаги тармоқлар қаторига киради. АТМ коммутаторлари адресли ахборотни уланган четки станциялар ўртасида ажратади ва йўналиш жадвалларида уларнинг адресларини сақлайди. Адреслари ва мўлжалланган жойлар ҳар бир ячейкага киритилмайди, улардан коммутаторлар виртуал йўлни ҳамда виртуал каналларнинг идентификаторларини (VPIs/VCIs) белгилашда фойдаланади.

Алгоритм «дырявое ведро»

uz - «тешик челак» алгоритми
en - leaky bucket algorithm

Форма контроля потока, при использовании которой проверяется прибывающий поток, вместо использования параметров трафика, определяемого отправителем.

Оқимни назорат қилиш шакли бўлиб, ундан фойдаланишда жўнатувчи томонидан белгиланадиган трафик параметрларидан фойдаланиш ўрнига келадиган оқим текширилади.

Алгоритм выбора оптимального маршрута

uz - оптимал маршрутни танлаш алгоритми
en - best-route algorithm

Алгоритм маршрутизации, при котором минимизируется время доставки пакета до конечного адресата.

Пакетни охирги адресатга етказиб бериш вақти минималлаштирилган маршрутлаш алгоритми.

Анализатор протоколов

uz - протоколлар анализатори
en - protocol analyzer

Вспомогательный аппаратно-программный комплекс, который может обнаружить и декодировать пакеты с расшифровкой содержимого отдельных полей. Современные анализаторы способны обрабатывать данные различных протоколов.

Пакетларни аниқлаши ва айрим майдонлар мазмунини расшифровка қилган (ўқиган) ҳолда декодловчи, ёрдамчи аппарат-дастурий комплекс. Замонавий анализаторлар турли протоколларнинг маълумотларини қайта ишлаши мумкин.

А

Аппаратная (машинный зал)

uz - аппаратхона

(машина зали)

en - equipment room

Централизованное помещение, предназначенное для размещения телекоммуникационного оборудования, обслуживающего пользователей в здании. Аппаратная отличается от телекоммуникационного шкафа назначением находящегося в ней оборудования или его сложностью и количеством.

Бинодаги фойдаланувчиларга хизмат кўрсатувчи телекоммуникация ускунасини жойлаштириш учун мўлжалланган марказлаштирилган хона. Аппаратхона телекоммуникация шкафидан, ундаги усқунанинг қандай мақсадларга мўлжалланганлиги ёки мураккаблиги ва сони билан фарқ қилади.

Аппаратура автоматического определения номера

uz - рақамни автоматик

аниқлаш аппаратураси

en - automatic number

identification (ANI) equipment

Устройство, предназначенное для определения категории и номера окончного абонентского телефонного устройства вызывающего абонента.

Чақираётган абонент четки абонент телефон қурилмасининг категорияси ва рақамини аниқлаш учун мўлжалланган қурилма.

Аппаратура повременного учета стоимости

телефонных разговоров

uz - телефон сўзлашувлар

қийматини вақтбай ҳисобга

олиш аппаратураси

en - automatic message

accounting (AMA) equipment

Устройство, предназначенное для определения категории и номера окончного абонентского телефонного устройства вызывающего абонента с целью тарификации услуг телекоммуникаций.

Телекоммуникациялар хизматларини тарифлаштириш мақсадида, чақираётган абонент четки абонент телефон қурилмасининг категорияси ва рақамини аниқлаш учун мўлжалланган қурилма.

Архитектура системы управления телекоммуникацией

uz - телекоммуникацияларни

бошқариш тизими

архитектураси

en - architecture of telecommunication management system

Общее построение программно-аппаратных средств системы управления телекоммуникациями, определяющее их состав, конфигурацию, структуру, принципы информационного взаимодействия.

Телекоммуникацияларни бошқариш тизими аппарат-дастурий воситаларининг, уларнинг таркибинини, конфигурацияси, структурасини, ахборот ўзаро ҳамкорлик принципларини белгиловчи

А

умумий тузилиши.

Асинхронный режим передачи

uz - асинхрон узатиш режими
en - asynchronous transfer mode (ATM)

Высокоскоростная, коммутируемая и мультиплексирующая технология, которая использует ячейки размером 53 byte (5 byte – заголовок, 48 – byte полезная информация) для одновременной передачи различного типа трафика, включая голос, видео и данные. Технология асинхронна, поскольку информационные потоки могут быть посланы независимо от общего таймера.

Юқори тезликли, коммутацияланувчи ва мультиплексорловчи технология. Товуш, видео ҳамда маълумотларни бир вақтда узатиш учун 53 byte (5 byte сарлавҳа, 48 byte фойдали ахборот) ўлчамли ячейкадан фойдаланади. Технология асинхрондир, чунки ахборот оқимлари умумий таймерга боғлиқ бўлмаган ҳолда юборилиши мумкин.

Б

Базовый маршрутизатор

uz - базавий маршрутизатор
en - home router

Исходный маршрутизатор, в зоне действия которого находилась мобильная станция до ее перемещения по сети.

Таъсир зонасида тармоқ бўйлаб кўчирилгунга қадар мобил станция жойлашган бошланғич маршрутизатор.

Батарейный способ передачи сигналов

uz - сигналларни узатишнинг батареяли усули
en - battery pulses signalling

Способ передачи сигналов телекоммуникации, при котором электрические сигналы передаются импульсами постоянного тока.

Телекоммуникация сигналларини узатиш усули, бунда электр сигналлар ўзгармас ток импульслари билан узатилади.

Безопасность информационная

uz - ахборот хавфсизлиги
en - information security

Состояние защищенности от определенного (заданного) множества случайных и преднамеренных воздействий нарушителя (угроз безопасности) на объекты сети, циркулирующие в ней данные (сообщения) и информацию управления сетью.

Б

Бузғунчининг тармоқ объектларига, уларда айланувчи маълумотлар (хабарлар) ва тармоқни бошқариш ахборотиға муайян (берилган) кўпгина тасодифий ва қасддан қилинган таъсирлардан (хавфсизликка таҳдидлардан) ҳимояланганлик ҳолати.

Бесклассовая маршрутизация

uz - классиз маршрутлаш
en - classless routing

Метод маршрутизации, при котором уменьшается адресная емкость системы за счет агрегирования нескольких потоков информации (например, принадлежащих одной организации) в один групповой маршрут и присвоения ему общего сетевого номера.

Маршрутлаш методи, бунда бир қанча ахборот оқимини (масалан, бир ташкилотга тегишли бўлган) битта гуруҳли йўналишга агрегирлаш ҳамда умумий тармоқ рақамини бериш ҳисобига тизимнинг адрес сиғими камайтиради.

Бесконтактный коммутационный элемент связи

uz - контактсиз коммутация алоқа элементи
en - static switching element

Коммутационный элемент связи, осуществляющий коммутацию в сетях телекоммуникаций путем изменения условий для прохождения сигналов телекоммуникаций без перемещения в пространстве контакт-деталей.

Алоқа тармоқларида, фазода контакт-деталларни (туташадиган қисмларни) кўчирмасдан, телекоммуникациялар сигналларининг ўтиш шароитларини ўзгартириш орқали коммутациялашни амалга оширадиган коммутация алоқа элементи.

Беспроводная локальная сеть

uz - симсиз локал тармоқ
en - Cordless LAN (CLAN)

Технология радиодоступа, используемая в локальных сетях, в которых проводные средства связи заменены на беспроводные.

Симли алоқа воситалари симсиз алоқа воситалари билан алмаштирилган локал тармоқларда фойдаланиладиган радиокириш технологияси.

Беспроводной телефон первого поколения

uz - биринчи авлод симсиз

Технология беспроводного доступа, ориентированная на использование частотного разделения каналов и аналоговых радиотелефонов с даль-

Б

телефони

en - Cordless Telephone generation 1 (CT1)

Бесшнуровой телефон второго поколения

uz - иккинчи авлод симсиз телефони

en - CT2 (Cordless Telephone generation 2)

Бит приоритета потери ячейки

uz - ячейкани йўқотишнинг устуворлик бити

en - cell loss priority (CLP)

Блок временной коммутации

uz - вақт бўйича

коммутациялаш блоки

en - timeswitch

Блок пораженный

uz - зарарланган блок

en - errored block

Блок пространственной коммутации

uz - фазовий

коммутациялаш блоки

en - spaceswitch

ностью действия до 50 м.

Каналларни частота бўйича ажратишга ва ишлаш радиуси 50 м гача бўлган аналог радиотелефонлардан фойдаланишга мўлжалланган, симсиз фойдалана олиш технологияси.

Стандарт на систему беспроводного доступа, разработанный в Великобритании и введенный в эксплуатацию в 1990 г. Стандарт принят за основу при создании системы Telepoint.

Буюк Британияда ишлаб чиқилган ва 1990 йилда фойдаланишга жорий қилинган, симсиз фойдалана олиш тизимига тегишли стандарт. Telepoint тизимини яратишда асос қилиб олинган.

Бит приоритета в заголовке ячейки, показывающий, что при необходимости ячейка может быть сброшена.

Ячейка сарлавҳасидаги, зарур бўлганда ячейка ташлаб юборилиши мумкинлигини кўрсатувчи устуворлик бити.

Коммутационный блок, предназначенный для временной коммутации временных каналов сети коммутации.

Коммутация тармоғи вақт каналларини вақт бўйича коммутациялаш учун мўлжалланган коммутация блоки.

Блок, в котором один или более битов являются ошибочными.

Бир ёки ундан ортиқ бити хато бўлган блок.

Коммутационный блок, предназначенный для пространственной коммутации линий, каналов сети коммутации.

Коммутация тармоғи линияларини, каналларини фазовий коммутациялаш учун мўлжалланган

Б

Блокировка в звеньевой структуре коммутационного поля коммутационного блока (станции)

uz - коммутация блоки (станцияси) коммутация майдонининг звеноли структурасида блокировкакаш
en - switching center's switching field sectional structure blocking

Блок-схема; структурная схема

uz - блок-схема; структуравий схема
en - block diagram

Вариация задержки ячеек

uz - ячейкаларнинг кечикиш вариацияси
en - cell delay variation (CDV)

Вероятность ожидания обслуживания задержанного телефонного вызова свыше заданного времени

uz - кечиктирилган телефон чакирувга хизмат кўрсатилишини белгиланган вақтдан кўпроқ кутиш эҳтимоли
en - delayed telephone call waiting duration fixed time

коммутация блоки.

Состояние коммутационного поля коммутационного блока (станции), при котором соединение конкретного входа с требуемым свободным выходом невозможно из-за занятости промежуточных линий к этому выходу.

Коммутация блоки (станцияси) коммутация майдонининг ҳолати, бунда маълум бир киришни та-лаб қилинадиган бўш чиқиш билан боғлаш, бу чиқишга бўлган оралиқ линиялар бандлиги ту-файли мумкин бўлмайди.

Упрощенная схема, на которой показаны только основные узлы устройства и связи между ними.

Қурилманинг асосий узеллари ва улар ўртасидаги боғланиш кўрсатилган, содалаштирилган схема.

В

Конфигурируемый параметр АТМ, определяющий меру (в долях секунды) допустимой вариации задержки между двумя последовательными ячейками.

Конфигурацияланадиган АТМ параметри. Кетма-кет келадиган иккита ячейка орасидаги кечикиш-нинг (секунднинг улушларида ифодаланган) йўл кўйиладиган ўзгаришларини белгилайди.

Вероятность того, что задержанный телефонный вызов будет обслужен с ожиданием свыше заданного времени.

Кечиккан телефон чакирувга белгиланган вақтдан кўпроқ кутиш билан хизмат кўрсатилиш эҳтимоли.

В

excess probability

Вероятность ожидания обслуживания любого поступившего вызова свыше заданного времени

uz - келган ҳар қандай чақирувга хизмат кўрсатилишини белгиланган вақтдан кўпроқ кутиш эҳтимоли
en - offered call waiting duration fixed time excess probability

Вероятность ожидания обслуживания телефонного вызова

uz - телефон чақирувга хизмат кўрсатилишини кутиш эҳтимоли
en - call servicing waiting probability

Вероятность ошибок пакета IP

uz - IP пакетдаги хатолик эҳтимоллиги
en - IP packet error rate

Вероятность потери первичного телефонного вызова

uz - дастлабки телефон чақирувнинг йўқолиш эҳтимоли
en - primary call loss probability

Вероятность превышения заданной длины очереди

uz - белгиланган навбат узунлигининг ошиш эҳтимоли

Вероятность того, что поступивший телефонный вызов будет обслужен с ожиданием свыше заданного времени.

Келган телефон чақирувга белгиланган вақтдан кўпроқ кутиш билан хизмат кўрсатилиш эҳтимоли.

Вероятность того, что поступивший телефонный вызов будет обслужен с ожиданием.

Келган телефон чақирувга кутиш билан хизмат кўрсатилиш эҳтимоли.

Отношение числа ошибочно принятых пакетов IP к общему числу переданных пакетов IP.

Хато қабул қилинган IP пакетлар сонининг узатилган IP пакетларнинг умумий сонига нисбати.

Вероятность того, что первичный телефонный вызов получит отказ в обслуживании.

Дастлабки телефон чақирувга хизмат кўрсатилишининг рад этилиш эҳтимоли.

Вероятность того, что длина очереди вызовов, ожидающих обслуживания, будет превышена.

Хизмат кўрсатилишини кутаётган чақирувлар

В

en - fixed queue length excess probability

навбати узунлигининг ошиб кетиш эҳтимоли.

Взаимодействие сетей связи

uz - алоқа тармоқларининг биргаликда ишлаши

Совместное функционирование технологически сопряженных сетей с целью выполнения общих задач.

en - networks interworking

Технологик жихатдан боғланган тармоқларнинг умумий вазифаларни бажариш мақсадида биргаликда ишлаши.

Взаимосвязь сетей телекоммуникаций

uz - телекоммуникациялар тармоқларининг ўзаро боғлиқлиги

Взаимодействие сетей, при котором обеспечивается связь определенного вида между абонентами взаимодействующих сетей.

en - communication networks interconnection

Тармоқларнинг ўзаро ҳамкорлиги бўлиб, бунда биргаликда ишлайдиган тармоқларнинг абонентлари ўртасида алоқанинг маълум тури таъминланади.

Видеотелефонный аппарат

uz - видеотелефон аппарати
en - videophone

Телефонный аппарат с устройством, обеспечивающим передачу и прием одновременно речевых сообщений и видеоизображения.

Бир вақтнинг ўзида нутқли хабарлар ҳамда видеотасвир узатилиши ва қабул қилинишини таъминловчи қурилмаси бўлган телефон аппарати.

Виртуальная локальная вычислительная сеть

uz - виртуал локал ҳисоблаш тармоғи

en - virtual LAN (VLAN)

Совокупность локальных сетей, связанных друг с другом с помощью высокоскоростной магистрали и коммутаторов АТМ. Пользователи в такой сети объединены в рабочие группы по территориальному признаку или административной принадлежности. Значительную долю трафика в сети VLAN занимает широковещательная передача. Внутренний трафик в разных сегментах VLAN полностью изолирован, а поэтому широковещательный поток фильтруется на границе, разделяющей соседние сегменты сети.

Бир-бири билан юқори тезликли магистраль ва АТМ коммутаторлари ёрдамида боғланган локал тармоқлар мажмуи. Бундай тармоқ фойдала-

В

нувчилари худудий белгига ёки маъмурий мансубликка кўра, ишчи гуруҳларга бирлаштирилади. Виртуал локал ҳисоблаш тармоғида трафикнинг катта қисмини кенг қамровли узатиш эгаллайди. Тармоқнинг турли сегментларидаги ички трафик тўлиқ изоляцияланган, шу сабабли, кенг қам-ровли оқим тармоқнинг кўшни сегментларини ажратиб турадиган чегарада филтрланади.

Виртуальный канал

uz - виртуал канал

en - virtual channel

Определенный маршрут между двумя точками в сети АТМ, который может пересекать несколько виртуальных путей.

АТМ тармоғида икки нуқта ўртасидаги, бир қанча виртуал йўл кесиб ўтиши мумкин бўлган муайян йўналиш.

Внутризвенная обходная линия коммутационного поля коммутационного блока (станции)

uz - коммутация блоки

(станцияси) коммутация

майдонининг звено ичидаги

айланиб ўтиш линияси

en - switching field bypass line

Линия коммутационного поля коммутационного блока (станций), соединяющая выход одного коммутатора того же звена коммутации.

Айнан бир коммутация звеноси битта коммутаторининг чиқишини бирлаштирувчи, коммутация блоки (станция) коммутация майдони линияси.

Внутрислоновая телефонная сеть

uz - зонаичи телефон тармоғи

en - intrazone telephone

network

Часть телефонной сети, представляющая собой совокупность расположенных в зоне нумерации автоматических междугородных телефонных станций, а также линий, каналов телефонной сети, предназначенная для обеспечения всеми видами телефонной связи абонентов различных местных телефонных сетей данной зоны, а также установления междугородных соединений.

Телефон тармоғининг, ўзида рақамлаш зонасида жойлашган шаҳарлараро автоматик телефон станциялар мажмуини, шунингдек, телефон тармоғи каналлари, линияларини ифодаловчи, шу зонадаги турли маҳаллий телефон тармоқларининг аҳо-

В

Внутростанционная телефонная нагрузка

uz - станция ичидаги телефон трафик (юклама)

en - intraoffice telephone traffic

Внутростанционный соединительный путь

uz - станция ичидаги боғловчи йўл

en - junction path

Волновая маршрутизация; лавинная маршрутизация

uz - тўлқинли маршрутлаш; кўчкили маршрутлаш

en - flooding routing

нентларини телефон алоқанинг барча турлари билан таъминлаш, шунингдек, шаҳарлараро боғланишларни ўрнатиш учун мўлжалланган қисми.

Телефонная нагрузка, создаваемая конечными абонентскими телефонными устройствами, включенными в коммутационную станцию, предназначенная для других конечных телефонных абонентских устройств той же станции.

Коммутация станциясига уланган четки абонент телефон қурилмалари вужудга келтирадиган, шу станциянинг бошқа четки телефон абонент қурилмалари учун мўлжалланган телефон трафик.

Соединительный путь между входящими и исходящими коммутационными приборами связи или комплектами коммутационной станции.

Кирувчи ва чиқувчи коммутация алоқа асбоблари ёки коммутация станцияси тўпламлари орасидаги боғловчи йўл.

Один из наиболее простых для реализации методов маршрутизации, не требующий построения таблиц связности. Запрос от каждого узла связи передается одновременно на все соседние узлы и, если маршрутизатор обнаруживает, что какой-то пакет уже получен, он исключает его. Метод волны порождает большой избыточный трафик и поэтому неэффективен в сетях с большим количеством узлов.

Маршрутлашни амалга оширишнинг энг оддий, боғланганлик жадвали тузилишини талаб қилмайдиган, методларидан бири. Ҳар бир алоқа узелидан олинадиган сўров бир вақтда барча қўшни узелларга узатилади, қандайдир пакет аввал олинганлиги аниқланса, маршрутизатор уни чиқариб ташлайди. Тўлқин методи ортиқча трафикни келтириб чиқаради, шунинг учун узеллар сони кўп бўлган тармоқларда унинг самарадорлиги паст.

В

Временная коммутация

uz - вақт бўйича коммутация

en - time switching

Коммутация в сетях телекоммуникаций, осуществляемая соединением временных позиций временных каналов сети коммутации.

Телекоммуникациялар тармоқларидан коммутация тармоғи вақт каналларининг вақт бўйича ўринларини боғлаш билан амалга ошириладиган коммутация.

Временной канал

сети коммутации

uz - коммутация тармоғининг вақт канали

en - time channel

Канал сети коммутации, образованный на базе телекоммуникационной транспортной сети, по которому передача сигналов, относящихся к одному сообщению, осуществляется в специально отведенные дискретные интервалы времени.

Телекоммуникация транспорт тармоғи асосида ташкил қилинган коммутация тармоғи канали. Бу канал орқали битта хабарга тааллуқли бўлган сигналлар махсус ажратилган дискрет вақт интервалларида узатилади.

Временный запрет

входящей связи

uz - қирувчи алоқани

вақтинчалик тақиқлаш

en - incoming call restriction

Дополнительный вид обслуживания абонента телефонной сети, позволяющий запрещать входящую телефонную связь на период времени, заранее сообщенный абонентом на коммутационную станцию.

Телефон тармоғи абонентига хизмат кўрсатишнинг қўшимча тури. Бу абонент томонидан коммутация станциясига олдиндан айтилган вақт даврига қирувчи телефон алоқани тақиқлаш имконини беради.

Входящая телефонная

нагрузка

uz - қирувчи телефон

трафик (юклама)

en - incoming telephone traffic

Телефонная нагрузка, получаемая пучками линий (каналов) или группами коммутационных приборов связи от внешних источников телефонной нагрузки.

Линия (канал) лар боғламлари ёки коммутация алоқа асбоблари гуруҳига ташқи телефон трафик манбаларидан келадиган телефон трафик.

Выделенная линия

Линия, постоянно закрепленная за источником

В

uz - ажратилган линия

en - leased line

Выделенная сеть телекоммуникаций

uz - ажратилган телекоммуникациялар тармоғи

en - dedicated telecommunications network

Выделенный канал сигнализации

телефонной сети

uz - телефон тармоғининг ажратилган сигнализация канали

en - telephone network signalling associated channel

Вызов абонента по его заказу

uz - абонентни унинг

буюртмаси бўйича чақириш

en - wake-up service

Вызывной прибор телефонного аппарата

uz - телефон аппаратининг чақирув асбоби

en - call indicating device

Вынужденное искание

uz - мажбурий излаш

передачи информации.

Ахборот узатиш манбаига доимий бириктирилган линия.

Сеть телекоммуникации юридического лица, не имеющая выхода на сеть телекоммуникации общего пользования.

Юридик шахсинг, умумий фойдаланишдаги телекоммуникациялар тармоғига чиқиш имкониятига эга бўлмаган телекоммуникациялар тармоғи.

Индивидуальный (отдельный от разговорного) канал, используемый для обмена сигналами телекоммуникации между коммутационными станциями и узлами коммутации телефонной сети.

Коммутация станциялари билан телефон тармоғининг коммутация узеллари ўртасида телекоммуникация сигналларини алмашиш учун фойдаланиладиган индивидуал (сўзлашув каналидан алоҳида бўлган) канал.

Дополнительный вид обслуживания абонента телефонной сети, позволяющий абоненту получать вызов с коммутационной станции в определенное, предварительно заказанное время.

Телефон тармоғи абонентига хизмат кўрсатишнинг кўшимча тури. Бу абонентга маълум бир, олдиндан буюртма қилинган вақтда коммутация станциясидан чақирув олиш имконини беради.

Прибор телефонного аппарата, предназначенный для приема или передачи сигналов вызова.

Телефон аппаратининг, чақирув сигналларини қабул қилиш ёки узатиш учун мўлжалланган асбоби.

Искание в соответствии с полученной номерной информацией.

В

en - numerical selection

Олинган рақамга оид ахборотга мувофиқ излаш.

Г

Гарантированная скорость передачи кадров

uz - кадрларни узатишнинг

кафолатланган тезлиги

en - guaranteed frame rate

(GFR)

Стандарт, предложенный подрабочей группой ATM Forum управления трафиком (иногда называется UBR+). Гарантированная скорость передачи данных позволяет пользователям определять, в зависимости от соединения, минимальную скорость ячейки для передачи.

Трафикни бошқариш учун ATM Forum ишчи кичик гуруҳи томонидан таклиф этилган стандарт (баъзан UBR+ дейилади). Маълумотларни узатишнинг кафолатланган тезлиги фойдаланувчиларга уланишга боғлиқ равишда, ячейканинг узатиш учун энг кам тезлигини аниқлаш имконини беради.

Гибкий (программируемый) коммутатор

uz - дастурлаштириладиган

коммутатор (софтсвич)

en - softswitch

Устройство, которое осуществляет функции управления вызовами и сигнализации в IP сети. Гибкий коммутатор состоит из аппаратно-программных средств, поддерживающих набор протоколов, которые ориентированы на выполнение необходимых функций обслуживания трафика в IP сети.

IP тармоғида чақирувларни бошқариш ва сигнализация функцияларини амалга оширувчи қурилма. Дастурлаштириладиган коммутатор IP тармоғида хизмат кўрсатиш трафикининг зарур функцияларини бажаришга йўналтирилган протоколлар тўпламини таъминлайдиган аппарат-дастурий воситалардан иборат.

Гигабитный IP маршрутизатор

uz - гигабитли IP

маршрутизатор

en - gigabit IP router (GIPR)

Высокоскоростное устройство, интегрирующее возможности IP маршрутизации и коммутационных технологий ATM. Позволяет программному обеспечению обработки IP напрямую контролировать структуру коммутаторов ATM.

Г

Глобальная сеть телекоммуникаций uz - глобал телекоммуникациялар тармоғи en - wide area network (WAN); global network	IP-маршрутлаш ва АТМ коммутация технологиялари имкониятларини бирлаштирувчи, юқори тезликли қурилма. IP қайта ишлаш дастурий таъминотига АТМ коммутаторлари структурасини бевосита назорат қилиш имконини беради.
Городская сеть; сеть мегаполиса uz - шаҳар (мегаполис) тармоғи en - metropolitan area network (MAN)	Сеть телекоммуникаций, охватывающая территорию нескольких стран или нескольких континентов. Бир нечта мамлакат ёки қитъа худудини қамраб олувчи телекоммуникациялар тармоғи. Сеть связи, занимающая промежуточное положение между глобальными и локальными сетями. Предназначена для обслуживания территорий крупных городов (мегаполисов). Основу обычно составляют высокоскоростные магистральные волоконно-оптические линии связи.
Городская телефонная станция uz - шаҳар телефон станцияси en - urban local exchange (LE)	Глобал ва локал тармоқлар ўртасида оралиқ ҳолатни эгаллайдиган алоқа тармоғи. Йирик шаҳарлар (мегаполислар) худудига хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган. Юқори тезликли магистраль оптик-толали алоқа линиялари бундай тармоқнинг асоси ҳисобланади. Телефонная станция, обеспечивающая телефонную связь абонентов города.
Граничный маршрутизатор uz - чегаравий (чекка) маршрутизатор en - border router	Шаҳар абонентларининг телефон алоқасини таъминловчи телефон станцияси. Маршрутизатор, находящийся на границе сети и не обеспечивающий дальнейшее продвижение сообщений по данной сети.
Громкоговорящий телефонный аппарат	Тармоқ чегарасидаги, хабарларнинг берилган тармоқ орқали кейинчалик йўлланишини таъминламайдиган маршрутизатор. Телефонный аппарат, осуществляющий прием речевых сигналов посредством громкоговорящего

Г

uz - радиокарнайли
телефон аппарати
en - loudspeaking telephone set

устройства.

Радиокарнайли (товушни баландловчи) курилма ёрдамида нутқ сигналларини қабул қиладиган телефон аппарати.

Группа звеньев сигнализации

uz - сигнализация звенолари
гурухи
en - signaling links group

Совокупность звеньев сигнализации, непосредственно соединяющих два пункта сигнализации и имеющих одинаковые физические характеристики (скорость в битах, время распространения и т.д.)

Иккита сигнализация икки пунктини бевосита боғлайдиган, бир хил физик характеристикаларга (битлардаги тезлиги, тарқалиш вақти ва ҳ.к.) эга бўлган сигнализация звенолари йиғиндиси.

Групповое искание

uz - гуруҳли излаш
en - group selection

Сочетание вынужденного и свободного исканий, при котором сначала осуществляется вынужденное искание группы выходов, а затем свободное искание в этой группе.

Мажбурий ва эркин излашлар бирикмаси, бунда дастлаб чиқишлар гуруҳини мажбурий излаш, сўнгра бу гуруҳда эркин излаш амалга оширилади.

Д

Данные
uz - маълумотлар
en - data

Информация, предоставленная в виде, пригодном для обработки автоматическими средствами при возможном участии человека.

Одамнинг иштироки мумкин бўлган ҳолда, автоматик воситалар билан қайта ишлаш учун яроқли бўлган ахборот.

Дейтаграмма

uz - дейтаграмма
en - datagram

1. Пакет данных, который пересылается по сети независимо от остальной части информации, адресованной тому же пользователю.

2. Длинное сообщение, разделенное на короткие пакеты, передаваемые по сети независимо друг от друга. Исходное сообщение полностью восста-

Д

навливается после сборки пакетов на приемной стороне. Длина пакета варьируется в зависимости от скорости передачи и характеристик сети.

1. Тармоқ бўйлаб, айнан бир фойдаланувчига йўлланган ахборотнинг бошқа қисмига боғлиқ бўлмаган тарзда узатиладиган маълумотлар пакети.

2. Тармоқ бўйлаб, бир-бирига боғлиқ бўлмаган тарзда узатиладиган қисқа пакетларга бўлинган узун хабар. Дастлабки хабар қабул қилиш томонда пакетлар йиғилгандан сўнг тўлиқ тикланади. Пакетнинг узунлиги узатиш тезлиги ва тармоқ характеристикаларига боғлиқ равишда ўзгаради.

Дейтаграммная сеть

uz - дейтаграммали тармоқ

en - datagram network

Сеть передачи данных с пакетной коммутацией, в которой каждая дейтаграмма пересылается в пункт назначения по независимому маршруту, выбор которого зависит от текущей загрузки сети. Восстановление данных из дейтаграмм, переданных по разным маршрутам, осуществляют протоколы транспортного уровня. В дейтаграммной сети не требуется установление предварительного соединения и поэтому для нее характерны меньшие задержки трафика. Это особенно выгодно при передаче небольших объемов информации.

Пакетлар коммутацияланган маълумотлар узатиш тармоғи. Бу тармоқда ҳар бир дейтаграмма тайинланган пунктга, тармоқнинг юкланганлигига боғлиқ ҳолда танланадиган алоҳида (мустақил) йўналиш бўйлаб узатилади. Транспорт сатҳ протоколлари турли йўналишда узатилган дейтаграммаларни тиклайди. Дейтаграммали тармоқда олдиндан уланиш талаб этилмайди, шунинг учун трафикнинг кечикиши камроқ учрайди. Бу аynиқса, кичик ҳажмдаги ахборотни узатишда қулайлик яратади.

Дейтаграммный сокет

Тип интерфейса, обеспечивающего двунаправ-

Д

uz - дейтаграммали сокет
en - datagram socket

ленный прием и передачу дейтаграмм в режиме без установления соединения.

Дейтаграммаларни, боғланиш ўрнатилмасдан, икки томонлама қабул қилиш ва узатиш имкони-ни таъминловчи интерфейс тури.

Декадно-шаговый искатель (ДШИ)

uz - декада қадамли излагич
(ДҚИ)

en - ten-step switch
(tetragonal selector)

Электромеханический искатель, контактное поле которого разделено на десять декад, каждая из которых имеет по десять выходов; соединение входа с одним выходом осуществляется подъемом щеток на определенную декаду, а затем вращением выбирается свободный или требуемый в декаде выход.

Контакт майдони, ҳар бири ўнтадан чиқишга эга бўлган ўнта декадага бўлинган электромеханик излагич; киришни чиқишларнинг бири билан улаш чўткаларни маълум бир декадага кўтариш орқали амалга оширилади, сўнгра айлантирган ҳолда, бўш ёки декадада талаб қилинадиган чиқиш танланади.

Декапсуляция

uz - декапсуллаш
en - decapsulation

Процесс выделения исходного сообщения из принятого потока информации.

Қабул қилинган ахборот оқимидан дастлабки ха-барни ажратиш жараёни.

Декомпозиция сети

uz - тармоқ декомпозицияси
en - network decomposition

Метод анализа сетевых характеристик, основанный на разбиении сети на подсети (обычно по видам передаваемой информации) с целью дальнейшего анализа особенностей функционирования каждой из них.

Тармоқ характеристикаларини таҳлил қилиш методи. Тармоқни қуйи тармоқларга (одатда, узатиладиган ахборот турига қараб), улардан ҳар бирининг ишлаш хусусиятларини таҳлил қилиш мақсадида, бўлишга асосланган.

Демаркационная точка

1. Точка, в которой происходит соединение двух

Д

uz - демаркация нуктаси
en - demarcation point

сервисных сетей и которая определяет разделение ответственности. Примером может служить частная сеть.

2. Точка, в которой изменяется функциональный контроль или владелец.

3. Точка соединения между средствами местной телекоммуникационной сети и кабельной системой и телекоммуникационным оборудованием на стороне пользователя. Эта точка должна располагаться на абонентской стороне защитного устройства телефонной компании или его эквивалента в тех случаях, когда предохранитель не нужен.

1. Иккита сервис тармоқ уланадиган ва жавобгарлик тақсимланиши белгиланадиган нукта. Хусусий тармоқ бунга мисол бўла олади.

2. Функционал назорат ёки эгалик қилувчи ўзгарадиган нукта.

Контроль перегрузки

uz - ўта юкланишни назорат қилиш
en - congestion control

Механизм, который контролирует поток трафика таким образом, чтобы коммутаторы и оконечные станции не перегружались и не сбрасывали ячейки.

Трафик оқимини, коммутаторлар ва четки станциялар ўта юкланмайдиган ва ячейкаларни ташлаб юбормайдиган тарзда назорат қиладиган

К

Конференц-связь

uz - конференц-алоқа

en - conference-call

(CON)

механизм.

Услуга, дающая пользователям возможность вести обмен информацией одновременно с несколькими абонентами, которые при этом могут иметь связь между собой.

Конфликт при совпадении заголовков

uz - сарлавхалар мос

тушгандаги конфликт

en - head-on collision

Фойдаланувчиларга бир вақтнинг ўзида бир нечта, ўзаро алоқада бўлган абонентлар билан ахборот алмашиш имкониятини берувчи хизмат.

Ситуация, при которой пакеты двух различных источников информации претендуют на передачу по каналу в один и тот же момент времени.

Концентратор нагрузки

uz - трафик концентратори

en - traffic concentrator

Иккита турли ахборот манбаининг пакетларини айнан бир вақтда канал орқали узатишга тўғри келиб қолинадиган вазият.

Техническое средство, подключаемое к центру коммутации пакетов и предназначенное для сборки/разборки пакетов в сетях передачи данных.

Корпоративная сеть связи

uz - корпоратив алоқа тармоғи

en - enterprise (corporate)

telecommunications network

Пакетларни коммутациялаш марказига уланадиган ва маълумотлар узатиш тармоқларида пакетларни йиғиш/ажратиш учун мўлжалланган техник восита.

Сеть, объединяющая сети отдельных предприятий (фирм, организаций, акционерных обществ и т.п.), как в масштабе одного государства, так и нескольких.

Косвенная маршрутизация

uz - билвосита маршрутлаш

en - indirect routing

Ҳам битта давлат миқёсида, ҳам бир нечта давлат миқёсида алоҳида корхоналар (фирмалар, ташиқлотлар, акциядорлик жамиятлари ва ш.к.) тармоқларини бирлаштирадиган тармоқ.

Выбор маршрута в случае, когда отправитель и получатель находятся в разных сетях, связанных друг с другом через устройство межсетевого соприкосновения (мост).

К

Жўнатувчи ва олувчи бир-бири билан тармоқлар-аро туташтирувчи курилма (кўприк) орқали боғланган турли тармоқларда бўлганда, маршрутни танлаш.

Коэффициент концентрации телефонной нагрузки

uz - телефон юккланинг тўпланиш коэффициенти
en - telephone traffic load factor

Отношение телефонной нагрузки в час наибольшей нагрузки к телефонной нагрузке за сутки.

Энг катта юкклама соатидаги телефон юккланинг сутка ичидаги телефон юккламага нисбати.

Коэффициент потерь ячеек

uz - ячейкаларни йўқотиш коэффициенти
en - cell loss ratio (CLR)

Отношение числа переданных ячеек АТМ к числу ячеек, отброшенных ввиду перегрузки.

Узатилган АТМ ячейкалари сонининг ўта юкланиш туфайли чиқариб ташланган ячейкалар сонига нисбати.

Коэффициент телефонного тяготения

uz - телефон интилиш коэффициенти
en - specific traffic interest

Величина, показывающая во сколько раз исходящая телефонная нагрузка от одной телефонной станции к другой больше или меньше телефонной нагрузки между этими станциями в предположении равномерного тяготения между телефонными станциями сети.

Тармоқнинг телефон станциялари ўртасида бир текис интилиш тахмин қилинганда, битта телефон станциясининг бошқасига чиқувчи телефон трафик бу станциялар ўртасидаги телефон трафикдан неча марта катта ёки кичиклигини кўрсатувчи катталиқ.

Кроссировочный коэффициент пучка линий (каналов) телефонной сети

uz - телефон тармоғи линиялари (каналлари) боғламининг кроссировкалаш коэффициенти
en - circuit group telephone network crosspatching factor

Отношение общего числа выходов нагрузочных групп коммутационного поля к числу линий (каналов) в пучке линий (каналов) телефонной сети.

Коммутация майдони юкланиш гуруҳлари чиқишлари умумий сонининг, телефон тармоғи линиялари (каналлари) боғламидаги линиялар (каналлар) сонига нисбати.

Кроссовая коммутация

Коммутация в сетях телекоммуникаций, не зави-

К

uz - кросс коммутацияси
en - cross switching

сящая от поступления отдельных заявок от абонентов, осуществляемая по плану распределения сообщений в зависимости от ситуации на сетях телекоммуникаций, или по распоряжению.

Телекоммуникациялар тармоқларидаги, абонентлардан алоҳида талабнома тушишига боғлиқ бўлмаган, телекоммуникациялар тармоқларидаги вазиятга боғлиқ ҳолда, хабарларни тақсимлаш режасига мувофиқ ёки фармойишга кўра амалга ошириладиган коммутация.

Л

Линейное искание
uz - линиявий излаш
en - linear selection

Вынужденное искание определенной линии в группе линий.

Линиялар гуруҳида маълум бир линияни мажбурий излаш.

Линейный сигнал
uz - линия сигнали
en - line signal

Сигнал телекоммуникаций, передаваемый по линиям, каналам сети телекоммуникаций и коммутационного поля, характеризующий состояние линий, каналов и отмечающий основные этапы установления соединения.

Коммутация майдони ва телекоммуникациялар тармоғи линиялари, каналлари орқали узатиладиган, линиялар, каналлар ҳолатини тавсифлайдиган ва боғланиш ўрнатилишининг асосий босқичларини белгилайдиган телекоммуникациялар сигнали.

Линейный сигнал телефонной сети
uz - телефон тармоғининг линия сигнали
en - telephone network line signal

Сигнал телекоммуникации, передаваемый по линиям, каналам телефонной сети и коммутационного поля, характеризующий состояние линий, каналов и отмечающий основные этапы установления соединения.

Телефон тармоғи линиялари, каналлари орқали узатиладиган, линиялар, каналлар ҳолатини тавсифлайдиган ва боғланиш ўрнатишининг асосий босқичларини белгилайдиган телекоммуникация сигнали.

Л

Линия телефонной сети заказно-соединительная

uz - телефон тармоғининг буюртмали боғловчи линияси
en - telephone network ordered connection line

Линия телефонной сети для связи местной телефонной станции с междугородной телефонной станцией непосредственно или через телефонный узел заказно-соединительных линий, предназначенная для заказа и ведения междугородных разговоров.

Маҳаллий телефон станциясини шаҳарлараро телефон станцияси билан бевосита ёки буюртмали боғловчи линияларнинг телефон узели орқали боғлаш, шаҳарлараро сўзлашувларга буюртма бериш ва уларни олиб бориш учун мўлжалланган телефон тармоғи линияси.

Линия телефонной сети междугородная соединительная

uz - телефон тармоғининг шаҳарлараро боғловчи линияси
en - telephone network trunk connection line

Линия телефонной сети для связи междугородной телефонной станции с местной телефонной станцией непосредственно или через телефонный узел входящего междугородного сообщения.

Шаҳарлараро телефон станциясини маҳаллий телефон станцияси билан бевосита ёки кирувчи шаҳарлараро хабар телефон узели орқали боғлаш учун мўлжалланган телефон тармоғи линияси.

М

Магистральный маршрутизатор

uz - магистраль маршрутизатори
en - backbone router

Высокопроизводительное устройство с одним или несколькими процессорами, предназначенное для объединения нескольких локальных сетей в общую сеть.

Бир ёки бир нечта процессорли, бир нечта локал тармоқни умумий тармоққа бирлаштириш учун мўлжалланган юқори унумли қурилма.

Максимальная вариация задержки ячейки

uz - ячейка кечикишининг максимал вариацияси
en - maximum cell delay variation

Параметр качества услуги, который обозначает максимально доступную задержку между ячейками в процессе передачи.

Хизматнинг сифат параметри. Узатиш жараёнида ячейкалар орасидаги максимал мумкин бўлган

М

кечкикишни билдиради.

Максимальная доля потерянных ячеек

uz - йўқотилган ячейкаларнинг максимал улуши
en - maximum cell loss ratio (MCLR)

Параметр качества услуги, который обозначает максимально допустимое отношение сброшенных ячеек к общему количеству принятых ячеек для данной передачи.

Хизматнинг сифат параметри. Берилган узатиш учун ташлаб юборилган ячейкаларнинг қабул қилинган ячейкаларнинг умумий миқдorigа максимал мумкин бўлган нисбатини билдиради.

Максимальная скорость передачи ячеек

uz - ячейкаларни узатишнинг максимал тезлиги
en - peak cell rate (PCR)

Предельное значение скорости, с которой разрешается передача трафика CBR, VBR или ABR в сети АТМ. Если при согласовании параметров канала связи максимальная скорость не задана, то по умолчанию она принимается равной скорости в радиоканале.

АТМ тармоғида CBR, VBR ёки ABR трафигини узатиш рухсат этилган тезликнинг чегаравий қиймати. Алоқа канали параметрларини мослаштиришда максимал тезлик берилмаган бўлса, у ҳолда у олдиндан белгиланган радиоканалдаги тезликка тенг деб олинади.

Максимальное время жизни сообщения

uz - хабарнинг максимал сақланиш вақти
en - maximum message lifetime

Общее время, в течение которого сообщение может оставаться в сети. Данная величина обычно задается для каждого пакета. При превышении времени жизни сообщения пакет изымается из обращения.

Хабар тармоқда бўлишининг умумий вақти. Бу катталиқ ҳар бир пакет учун берилади. Хабарнинг тармоқда бўлиш вақти ортганда пакет муомаладан олинади.

Максимальный размер пачки

uz - боғламнинг максимал ўлчамлари
en - maximum burst size

Параметр трафика, который определяет максимальное количество ячеек, которое может быть принято во время пиковой скорости АТМ. Этот параметр является ключевым параметром при планировании емкости сети и управлении сетью.

М

АТМ энг юқори тезликка эришган вақтда қабул қилиниши мумкин бўлган ячейкаларнинг максимал миқдорини белгилайдиган трафик параметри. Боғламнинг максимал ўлчами тармоқ сиғимини режалаштириш ҳамда тармоқни бошқаришда муҳим параметр ҳисобланади.

Маршрут

uz - маршрут

en - route

Схема транспортировки информации от одного узла связи или абонента к другому узлу или абоненту.

Ахборотни бир алоқа узелидан ёки абонентдан бошқа узел ёки абонентга етказиш схемаси.

Маршрутизатор

uz - маршрутизатор

en - router

Сетевое устройство, используемое для передачи пакетов из одной сети в другую. Не передает пакеты в те сети, куда они не предназначены. Таким образом, не засоряет другие сети ненужными пакетами. Несмотря на сходство с мостами, маршрутизаторы работают по другому – предоставляют больше функциональных возможностей. Например, они всегда находят оптимальный маршрут между данными двух сетей независимо от количества промежуточных сетей. Выполняют такие функции управления сетью, как балансировка нагрузки, разбиение сетей, подсчет статистики и устранение неполадок.

Пакетларни бир тармоқдан бошқасига узатиш учун фойдаланиладиган тармоқ қурилмаси. Пакетларни улар мўлжалланмаган тармоқларга узат-майди. Шу тариқа, бошқа тармоқларни кераксиз пакетлар билан тўлдирмайди. Кўприкларга ўхша-шига қарамай, маршрутизаторлар бошқачароқ ишлайди – бирмунча кўпроқ функционал имкониятларга эга. Масалан, улар оралиқ тармоқлар сонидан қатъи назар, икки тармоқ маълумотлари орасида оқилона йўналиш топа олади. Маршрутизаторлар тармоқни бошқаришнинг трафикни тенг тақсимлаш, тармоқларни бўлиш, статистикани ҳисоблаш ва носозликларни бартараф этиш каби функцияларини бажаради.

Маршрутизация

Функция, преобразующая наименование объекта

М

uz - маршрутлаш

en - routing

Маршрутизация по умолчанию

uz - олдиндан белгиланган маршрутлаш

en - default routing

Маршрутизация по критерию наименьшей стоимости

uz - энг кам қиймат мезони

бўйича маршрутлаш

en - least-cost routing

Маршрутизация по пункту назначения

uz - тайинланган пункт

бўйича маршрутлаш

en - destination routing

Маршрутизация с обходными путями

uz - айланма йўллар

билан маршрутлаш

en - avoidance routing

или адрес точки доступа к объекту в маршрут, ведущий на этот объект.

Объект номини ёки объектга кира олиш нуктаси адресини шу объектга олиб борувчи маршрутга ўзгартирувчи функция.

Программа выбора статически конфигурируемого маршрута обычно на основании данных, хранящихся в маршрутной таблице.

Маршрут жадвалида сақланадиган маълумотлар асосида статик конфигурацияланадиган маршрутни танлаш дастури.

Метод маршрутизации, при котором каждому направлению связи присваиваются свои весовые коэффициенты, позволяющие минимизировать общую стоимость доставки сообщений.

Маршрутлаш методи, бунда ҳар битга алоқа йўналишига хабарлар етказиб берилишининг умумий қийматини камайтириш имконини берадиган оғирлик (вазн) коэффициентлари берилди.

Маршрутизация, при которой выбор пути осуществляется без использования сетевого адреса для пункта назначения.

Йўлнинг танланиши тайинланган пунктнинг тармоқ адресидан фойдаланилмай амалга ошириладиган маршрутлаш.

Метод маршрутизации, при котором на наиболее «неблагополучных» участках сети вводятся обходные маршруты, позволяющие повысить надежность связи и избежать деградации сети при внезапном ухудшении условий работы (например, в зонах с повышенным уровнем помех).

Маршрутлаш методи бўлиб, бунда тармоқнинг энг «ноқулай» участкаларида алоқанинг

М

ишончилигини ошириш ва ишлаш шароитлари тўсатдан ёмонлашганда (масалан, халақитлар даражаси юқори бўлган зоналарда) тармоқ деградациясини четлаб ўтиш имконини берадиган айланма йўналишлар киритилади.

Маршрутизация с разветвлением

uz - тармоқланган маршрутлаш
en - bifurcated routing

Метод маршрутизации, при котором пересылка одной и той же информации осуществляется одновременно по нескольким независимым путям.

Айнан битта ахборот бир нечта мустақил йўл орқали узатиладиган маршрутлаш методи.

Маршрутизация с разделением на классы

uz - классларга ажратиб маршрутлаш
en - class-of-service routing

Метод маршрутизации в сетях пакетной коммутации, при которой создается несколько очередей для разных типов трафика, причем пакеты, чувствительные к временной задержке, имеют более высокий приоритет.

Пакетли коммутация тармоқларидаги маршрутлаш методи. Бунда турли трафиклар учун бир қанча навбатлар яратилади, вақт бўйича кечикишга сезгир пакетлар бирмунча афзалликка эга бўлади.

Машинный искатель

uz - машинавий излагич
en - mechanical selector

Электромеханический искатель, контактные щетки которого совершают круговое движение вследствие сцепления движущегося механизма искателя общим приводом, работающим непрерывно от электродвигателя.

Контакт чўткалари, излагич ҳаракатланадиган механизмининг электродвигателдан узлуксиз ишлайдиган умумий юритма билан илашиши оқибатида доиравий ҳаракатланадиган электро-механик излагич.

Междугородная телефонная сеть

uz - шаҳарлараро телефон

Часть телефонной сети, представляющая собой совокупность междугородных телефонных узлов автоматической коммутации и каналов телефон-

М

тармоғи

en - toll telephone network

ной сети, соединяющих их между собой, и обеспечивающая телефонной связью абонентов различных зон нумерации.

Телефон тармоғининг, шаҳарлараро телефон станциялари автоматик коммутация телефон узеллари ҳамда телефон тармоғи каналларининг мажмуини ўзида ифодалайдиган, уларни ўзаро боғлайдиган ва турли рақамлаш зонасидаги абонентларни телефон алоқаси билан таъминлайдиган қисми.

Международная сеть связи

uz - халқаро алоқа тармоғи

en - international telecommunication network

Совокупность международных станций и соединяющих их каналов, обеспечивающая международной связью абонентов различных национальных сетей.

Турли миллий тармоқлар абонентларини халқаро алоқа билан таъминлайдиган халқаро станциялар ҳамда уларни боғлайдиган каналлар мажмуи.

Международный центр коммутации

uz - халқаро коммутация маркази

en - international switching centre

Станция, обеспечивающая пропуск исходящего, входящего и транзитного международного трафика.

Чиқувчи, кирувчи ва транзит халқаро трафик ўтишини таъминлайдиган станция.

Местная телефонная сеть

uz - маҳаллий телефон

тармоғи

en - local telephone network

Часть телефонной сети, представляющая собой совокупность коммутационных узлов, телефонных станций, линий, каналов телефонной сети, конечных абонентских телефонных устройств, предназначенная для обеспечения телефонной связью абонентов города и сельского района.

Телефон тармоғининг коммутация узеллари, телефон станциялари, телефон тармоғи линиялари ва каналлари, четки абонент телефон қурилмаларининг мажмуини ўзида ифодаловчи, шаҳар ва қишлоқ жой абонентларини телефон алоқаси билан таъминлаш учун мўлжалланган қисми.

М

Метка заголовка

uz - сарлавха белгиси

en - header label

Служебная метка, предшествующая записи файла и используемая для идентификации его начала и типа содержимого.

Файлни ёзишдан олдин келадиган ва унинг бошланишини ҳамда ичидагини идентификация қилиш учун фойдаланиладиган хизматга оид белги.

Метка; маркер

uz - белги; маркер

en - label

Служебная часть файла или сообщения; логический идентификатор, который описывает тип, размер и время создания передаваемой информации и не имеет самостоятельного значения.

Файл ёки хабарнинг хизматга оид қисми; узатилаётган ахборот турини, ўлчами ва яратилиш вақтини тавсифлайдиган, алоҳида аҳамият касб этмайдиган мантиқий идентификатор.

Механический

коммутационный элемент

uz - механик коммутация

элементи

en - mechanical switching

element

Коммутационный элемент телекоммуникации, осуществляющий коммутацию в сетях телекоммуникаций путем перемещения в пространстве его контакт-деталей.

Телекоммуникациялар тармоқларида фазода унинг контакт деталларини суриш йўли билан коммутацияни амалга оширадиган коммутация элементи.

Многоадресная

маршрутизация

uz - кўп адресли маршрутлаш

en - multiple routing

Метод маршрутизации для сообщений, в заголовке которых указано несколько адресов получателей.

Сарлавҳасида бир нечта олувчининг адреси кўрсатилган маълумотлар учун мўлжалланган маршрутлаш методи.

Многократный координатный соединитель

uz - кўп каррали

координатли улагич

en - crossbar (cross-point)

switch

Соединитель коммутационной системы, в котором может осуществляться одновременно несколько соединений.

Коммутация тизимининг, бир вақтда бир нечта уланиш амалга оширилиши мумкин бўлган улагичи.

М

Многократный соединитель

uz - кўп каррали улагич

en - multiple connector

Коммутационный прибор связи, имеющий nm -комбинаций выходов и n -входов, каждый из которых может быть подключен к любому из m -определенных, только ему доступных, выходов через одну коммутационную группу, соответствующую данному выходу.

Чиқишларнинг nm , киришларнинг n комбинациясига эга коммутацион алоқа асбоби. n киришларнинг ҳар бири m чиқишлардан маълум бирига, фақат ўзи уланиши мумкин бўлганига, бу чиқишга тўғри келадиган битта коммутация гуруҳи орқали уланиши мумкин.

Многочастотный способ передачи сигналов

uz - сигналларни узатишнинг

кўп частотали усули

en - frequency signalling

Способ передачи сигналов посылками комбинаций различных частот определенной продолжительности.

Телекоммуникация сигналларини маълум бир давомийликдаги турли частоталар комбинацияларини юбориш билан узатиш усули.

Мост-маршрутизатор

uz - кўприк-маршрутизатор

en - router

Устройство, совмещающее в себе функции моста и маршрутизатора. Такое устройство для определенных транспортных протоколов (например, TCP/IP) действует как маршрутизатор, а для остальных как мост, т.е. передает пакеты дальше из одного сегмента сети в соседний.

Ўзида кўприк ва маршрутизатор функцияларини бирлаштирган қурилма бўлиб, маълум бир транспорт протоколлари (масалан, TCP/IP) учун маршрутизатор, баъзилари учун эса, кўприк сифатида хизмат қилади, яъни пакетларни тармоқнинг бир сегментидан бошқасига узатади.

Мультикадр

uz - мультикадр

en - multiframe

Группа кадров с присоединенным к ним заголовком и вспомогательной информацией (сигнализация, проверочные биты и т.п.).

Сарлавҳа ва кўшимча ахборот (сигнализация, текшириш битлари ва ш.к.) киритилган кадрлар гуруҳи.

Н

Нагрузка телефонная

uz - телефон трафик
(телефон юкламаси)
en - telephone traffic

Суммарное время телефонного занятия линий, каналов телефонной сети или групп коммутационных приборов связи за интервал времени.

Вақт интервали ичида телефон тармоғи линиялари, каналлари ёки коммутацион алоқа асбоблари гуруҳи телефон бандлигининг жами вақти.

Нагрузочная группа коммутационного поля

uz - коммутация майдонининг юкланиш гуруҳи
en - switching field load group

Часть группы источников телефонной нагрузки, имеющая доступ к одним и тем же линиям (каналам) неполнодоступного пучка линии (каналов) телефонной сети.

Надежность системы (сети) телекоммуникации

uz - телекоммуникациялар тизими (тармоғи) нинг ишончлилиги
en - reliability of telecommunication system (network)

Телефон трафик манбалари гуруҳининг, телефон тармоғи линияси (канал) тўлиқ бўлмаган боғламнинг айнан бир линияларидан (каналларидан) фойдалана оладиган қисми.

Свойство системы (сети) телекоммуникации сохранять во времени в установленных пределах значения определенных параметров, характеризующих способность выполнять требуемые функции в заданных условиях применения и технического обслуживания.

Телекоммуникациялар тизимининг (тармоғининг) вақтда, белгиланган чегараларда, берилган қўллаш ва техник хизмат кўрсатиш шароитларида талаб қилинадиган функцияларни бажара олиш қобилиятини тавсифловчи муайян параметрлар қийматларини сақлаш хусусияти.

Наложенная сеть связи

uz - устама алоқа тармоғи
en - overlay telecommunication network

Сетевая структура, которая строится параллельно существующей сети.

Мавжуд тармоққа параллел равишда қуриладиган тармоқ структураси.

Национальная сеть связи

uz - миллий алоқа тармоғи
en - national telecommunication network

Сеть связи данной страны, обеспечивающая связь между абонентами внутри этой страны и выход на международную сеть.

Муайян мамлакатнинг, ушбу мамлакат ичидаги

Н

абонентлар ўртасида алоқани ва халқаро тармоққа чиқишни таъминловчи алоқа тармоғи.

Некоммутируемая сеть телекоммуникации

uz - коммутацияланмайдиган телекоммуникациялар тармоғи

en - non-switched

telecommunication network

Сеть телекоммуникации, обеспечивающая долговременные соединения через канал телекоммуникаций конечных устройств при помощи станций и узлов переключений этой сети.

Четки қурилмаларнинг телекоммуникациялар канали орқали, тармоқ станциялари ва қайта улаш узеллари ёрдамида узоқ муддатли боғланишларни таъминлайдиган телекоммуникациялар тармоғи.

Немедленная система обслуживания заявок

uz - талабномаларга зудлик билан хизмат кўрсатиш тизими

en - rapid service

Система обслуживания, при которой заявка на междугородный разговор обслуживается оператором немедленно при наличии свободного канала либо через небольшое время ожидания, окончное абонентское телефонное устройство при этом не освобождается.

Шаҳарлараро сўзлашувга берилган талабномага оператор томонидан бўш канал бўлганда ёки бирмунча вақт қутилгандан кейин, дарҳол хизмат кўрсатиладиган, хизмат кўрсатиш тизими. Бу пайтда четки абонент телефон қурилмаси бўш турмайди.

Неполнодоступное включение с перехватом линий (каналов) телефонной сети

uz - телефон тармоғи линиялари (каналлари) ни эгаллаб олиш билан тўла фойдалана олиш мумкин бўлмаган уланиш

en - telephone network

intercepted limited-available line connection

Ступенчатое или равномерное неполнодоступное включение линий (каналов) телефонной сети, при котором линии (каналы) включаются в выходы нагрузочных групп коммутационного поля с номерами, отличающимися не менее чем на два.

Телефон тармоғи линиялари (каналлари) нинг босқичли ёки бир текис тўлиқ бўлмаган уланиши, бунда линиялар (каналлар) камида иккига фарқ қиладиган рақамлар билан, коммутация майдони юкланиш гуруҳларининг чиқишларига уланади.

Неполнодоступное включение со сдвигом линий

Ступенчатое или равномерное неполнодоступное включение линий (каналов) телефонной сети, при

Н

(каналов) телефонной сети
uz - телефон тармоғи линиялари (каналлари) ни суриш билан тўла фойдалана олиш мумкин бўлмаган уланиш
en - telephone network shifted limited-available line connection

Неполнодоступный пучок линий (каналов) телефонной сети
uz - телефон тармоғи линиялари (каналлари) нинг тўла фойдалана олиш мумкин бўлмаган боғлами
en - limited-available telephone network circuit group

Несвязанный режим работы сети ОКС
uz - умумий сигнализация канали (УСК) тармоғининг боғланмаган иш режими
en - nonassociated mode

Нормированный коэффициент телефонного тяготения
uz - телефон интилишининг нормаланган коэффициенти
en - standardized traffic interest

котором линии (каналы) включаются в различные выходы разных нагрузочных групп коммутационного поля.

Телефон тармоғи линиялари (каналлари) нинг босқичли ёки бир текис тўлиқ бўлмаган уланиши, бунда линиялар (каналлар) коммутация майдони турли юкланиш гуруҳларининг турли номдаги чиқишларига уланади.

Пучок линий (каналов) телефонной сети, доступность к которому меньше числа линий (каналов) пучка.
Телефон тармоғи линиялари (каналлари) нинг, ундан фойдалана олишлик боғламдаги линиялар (каналлар) сонидан кам бўлган боғлами.

Режим работы сети ОКС, при котором трасса прохождения общего канала сигнализации телефонной сети отличается от трассы прохождения разговорных каналов.

УСК тармоғининг иш режими, бунда телефон тармоғи умумий сигнализация каналининг ўтиш йўли сўзлашув каналларининг ўтиш йўлидан фарқ қилади.

Отношение коэффициента телефонного тяготения от одной телефонной станции к другой к внутристанционному коэффициенту тяготения первой телефонной станции.

Бир телефон станциясидан бошқасига бўлган телефон интилиш коэффициентининг, биринчи телефон станциясининг станцияичи интилиш коэффициентиға нисбати.

О

Оборудование данных

Терминальное (оконечное) оборудование, явля-

О

оконечное

uz - четки маълумотлар
ускунаси

en - data terminal equipment
(DTE)

Обратный вызов

uz - тескари чакирув
en - ringback

Обслуженная телефонная нагрузка

uz - хизмат кўрсатилган
телефон трафик
en - carried telephone traffic

Обслуженный телефонный вызов

uz - хизмат кўрсатилган
телефон чакирув
en - carried telephone call

Обслуживание телефонных вызовов без потерь

uz - телефон чакирувларга
йўқотишларсиз хизмат кўрса-
тиш
en - telephone call nonloss
service

ющееся источником данных, или получателем данных, или тем и другим (например, ЭВМ).

Маълумотлар манбаи ёки маълумотларни олувчи ёки униси ҳам, буниси ҳам бўлган (масалан, ЭХМ) терминал (четки) ускуна.

Вызов, передаваемый в обратном направлении с целью проверки кода доступа вызывающего абонента.

Чақираётган абонентнинг кириш кодини текшириш мақсадида, тескари йўналишда узатиладиган чакирув.

Суммарное время занятия линий, каналов телефонной сети или коммутационных приборов связи телефонными вызовами за рассматриваемый интервал времени.

Телефон тармоғи линиялари, каналлари ёки коммутацион алоқа асбобларининг қараб чиқиладиган вақт интервали ичида телефон чакирувлар билан банд бўлишининг жами вақти.

Телефонный вызов, которому был предоставлен пучок линий (каналов), коммутационные приборы связи и управляющие устройства при установлении соединения.

Боғланиш ўрнатилганда, линиялар (каналлар) боғлами, коммутацион алоқа асбоблари ва бошқарувчи қурilmалар такдим этилган телефон чакирув.

Способ обслуживания телефонных вызовов, при котором каждому поступившему телефонному вызову немедленно предоставляется свободная линия телефонной сети или коммутационный прибор связи.

Телефон чакирувларга хизмат кўрсатиш усули, бунда келаётган ҳар бир телефон чакирувга дар-

О

хол телефон тармоғининг бўш линияси ёки коммутацион алоқа асбоби такдим этилади.

Обслуживание телефонных вызовов в порядке поступления

uz - телефон чақирувларга келиш тартибида хизмат кўрсатиш
en - telephone call service in direct order

Способ обслуживания телефонных вызовов, при котором телефонные вызовы обслуживаются в порядке их поступления.

Телефон чақирувларга хизмат кўрсатиш усули, бунда телефон чақирувларга уларнинг келиши тартибида хизмат кўрсатилади.

Обслуживание телефонных вызовов с ограниченным ожиданием

uz - телефон чақирувларга чекланган кутиш билан хизмат кўрсатиш
en - telephone call service with limited delay

Способ обслуживания телефонных вызовов с ожиданием, при котором ограничено число ожидающих обслуживания телефонных вызовов или допустимое время ожидания.

Телефон чақирувларига кутиш билан хизмат кўрсатиш усули, бунда телефон чақирувларга хизмат кўрсатилишини кутаётганлар сони ёки рухсат этиладиган кутиш вақти чекланган бўлади.

Обслуживание телефонных вызовов с ожиданием

uz - телефон чақирувларга кутиш билан хизмат кўрсатиш
en - telephone call service with delay

Способ обслуживания телефонных вызовов, при котором телефонный вызов, поступивший в момент отсутствия свободных, доступных линий или каналов телефонной сети или коммутационных приборов связи, ожидает своей очереди установления телефонного соединения.

Телефон чақирувларга хизмат кўрсатиш усули, бунда телефон тармоғининг фойдаланиш мумкин бўлган бўш линиялари ёки каналлари ёки коммутацион алоқа асбоблари бўлмаганда келган телефон чақирув, телефон боғланиш ўрнатилиши бўйича ўз навбатини кутади.

Обслуживание телефонных вызовов с приоритетом

uz - телефон чақирувларга устуворлик (имтиёз) билан хизмат кўрсатиш

Способ обслуживания телефонных вызовов, при котором первыми обслуживаются телефонные вызовы с наибольшим приоритетом.

Телефон чақирувларга хизмат кўрсатиш усули,

О

en - telephone call priority selection for service

бунда энг кўп устуворликка эга бўлган телефон чақирувларга биринчи навбатда хизмат кўрсатилади.

Обслуживание телефонных вызовов с явными потерями

uz - телефон чақирувларга аниқ йўқотишлар билан хизмат кўрсатиш

en - service with explicit loss

Способ обслуживания телефонных вызовов, при котором телефонный вызов, поступивший в момент отсутствия доступных свободных линий или каналов телефонной сети или коммутационных приборов связи, получая отказ в установлении телефонного соединения, покидает систему распределения информации.

Телефон чақирувларга хизмат кўрсатиш усули, бунда телефон тармоғининг фойдаланиш мумкин бўлган бўш линиялари ёки каналлари ёки коммутацион алоқа асбоблари бўлмаганда келган телефон чақирувга телефон боғланиш ўрнатилиши рад этилганда, бу телефон чақирув ахборот тақсимлаш тизимидан чиқариб юборилади.

Обусловленное искание

uz - шартланган излаш

en - conditional selection

Искание между отмеченными входом и выходом или группой выходов ступени искания, при котором выбираются свободные и взаимодоступные промежуточные линии и выход.

Белгиланган кириш ва чиқиш ўртасида ёки излаш босқичи чиқишлари гуруҳи ўртасида излаш, бунда бўш ва ўзаро фойдаланиш мумкин бўлган оралик линиялар ва чиқиш танланади.

Обход

uz - айланиб ўтиш (кўшимча уланиш йўли)

en - override

Возможность установить соединение, минуя заблокированный (временно недоступный) элемент сети, или подключить абонента к занятой линии связи.

Тармоқнинг блокировкаланган (вақтинчалик кириш мумкин бўлмаган) элементини четлаб ўтган ҳолда, боғланишни ўрнатиш ёки абонентни банд алоқа линиясига улаш мумкинлиги.

Обходной коммутатор

uz - айланиб ўтишли коммутатор

1. Одиночный или двойной коммутатор, обеспечивающий обход неисправного узла в сети связи в случае его неисправности.

О

en - bypass switch

Обходной промежуточный путь телефонной сети

uz - телефон тармоғининг айланма оралик йўли
en - telephone network high circuit group

Обходной путь телефонной сети

uz - телефон тармоғининг айланма йўли
en - telephone network alternative route

Общий канал сигнализации телефонной сети (ОКС)

uz - телефон тармоғининг умумий сигнализация канали
en - telephone network common channel signaling

Ограничение междугородной связи

uz - шаҳарлараро алоқани

2. Обходной переключатель. Переключатель, который позволяет исключить неработающее или неисправное устройство путем замыкания его входа с выходом.

1. Алоқа тармоғидаги носоз узелни четлаб ўтишни таъминловчи, бир ёки икки томонлама коммутатор.

2. Айланма алмашлаб улагич. Киришни чиқиш билан туташтириш орқали, ишламаётган ёки носоз қурилмани чиқариб ташловчи алмашлаб улагич.

Обходной путь внутризоновой и междугородной телефонных сетей, не являющийся путем последнего выбора телефонной сети.

Зонаичи ва шаҳарлараро тармоқларнинг, телефон тармоғининг охириги танлаш йўли бўлмаган айланма йўли.

Пучки линий (каналов) телефонной сети для связи коммутационных станций через коммутационные узлы, предназначенные для обслуживания избыточной нагрузки.

Ортиқча трафикка хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган, коммутация станцияларини коммутация узеллари орқали боғлайдиган, телефон тармоғи линиялари (каналлари) нинг боғламлари.

Групповой выделенный канал сигнализации телефонной сети, используемый для обмена сигналами между коммутационными станциями и узлами коммутации телефонной сети.

Телефон тармоғининг, коммутация станциялари ва телефон тармоғининг коммутация узеллари ўртасида сигналлар алмашинишда фойдаланиладиган гуруҳли ажратилган сигнализация канали.

Дополнительный вид обслуживания абонента телефонной сети, позволяющий запрещать исходящий междугородный вызов.

О

чеклаш

en - toll restriction

Однозвенная структура коммутационного поля коммутационного блока (станции)

uz - коммутация блоки (станции) коммутация майдонинг бир звеноли структураси

en - single-stage switching

Одношаговый алгоритм маршрутизации

uz - бир кадамли маршрутлаш алгоритми

en - one-hop routing algorithm

Оконечная телефонная станция

uz - четки телефон станцияси

en - terminal exchange

Оконечное абонентское телефонное устройство

Телефон тармоғи абонентига хизмат кўрсатишнинг, чикувчи шахарлараро чакирувни тақиқлаш имконини берадиган кўшимча тури.

Структура, при которой коммутационное поле коммутационного блока (станции) состоит из одного звена, через которое устанавливаются соединения от входа к выходу.

Коммутация блоки (станцияси) нинг коммутация майдони, унинг орқали киришдан чиқишгача боғланиш ўрнатиладиган битта звенодан иборат бўладиган структура.

Алгоритм распределенной маршрутизации, при котором на каждом узле маршрут до ближайших соседей определяется независимо, а сквозной маршрут передачи дейтаграммы образуется в результате сложения всех путей, выбранных маршрутизаторами.

Тақсимланган маршрутлаш алгоритми бўлиб, ҳар бир узелда яқин кўшни узелларгача маршрут (йўналиш) мустақил белгиланади, дейтаграммани узатишнинг очик йўналиши маршрутизаторлар танлаган барча йўлларни кўшиш натижасида ҳосил қилинади.

Телефонная станция сельской телефонной сети, обеспечивающая телефонной связью абонентов сельского населенного пункта, а также их выход на центральную или узловую телефонные станции.

Қишлоқ телефон тармоғининг, қишлоқ аҳоли пункти абонентларини телефон алоқаси билан, шунингдек, уларнинг марказий ёки узел телефон станцияларига чиқишларини таъминловчи телефон станцияси.

Абонентское телефонное устройство, предназначенное для ведения разговора.

О

uz - четки абонент телефон
курулмаси
en - subscriber's telephone set

**Оконечно-транзитная
станция междугородной
телефонной сети**

uz - шаҳарлараро телефон
тармоғининг четки-транзит
станцияси
en - tandem toll exchange

**Оконечно-транзитная
станция местной
телефонной сети**

uz - маҳаллий телефон
тармоғининг четки-транзит
станцияси
en - local-transit exchange

**Опорная станция местной
телефонной сети**

uz - маҳаллий телефон
тармоғининг таянч станцияси
en - host exchange

**Ординарный поток
телефонных вызовов**

uz - ординар телефон
чакирувлар оқими
en - ordinary telephone call flow

Отброшенный пакет

Сўзлашув олиб бориш учун мўлжалланган абонент телефон курилмаси.

Телефонная станция, выполняющая функции автоматической междугородной телефонной станции и телефонного узла автоматической коммутации.

Шаҳарлараро автоматик телефон станцияси ва автоматик коммутация телефон узели функцияларини бажарадиган телефон станцияси.

Телефонная станция, выполняющая функции районной автоматической телефонной станции и телефонного узла.

Туман автоматик телефон станцияси ва телефон узели функцияларини бажарадиган телефон станцияси.

Телефонная станция, в которую включены телефонные подстанции и/или абонентские оконечные устройства.

Телефон подстанциялари ва/ёки четки абонент курилмалари уланган телефон станцияси.

Поток телефонных вызовов, в котором вероятность появления более чем одного телефонного вызова за малый интервал времени пренебрежимо мала по сравнению с вероятностью появления одного телефонного вызова.

Биттадан кўпроқ телефон чакирувнинг кичик вақт интервали ичида пайдо бўлиш эҳтимоллиги битта телефон чакирувнинг пайдо бўлиш эҳтимоллигига қараганда жуда кам бўлган телефон чакирувлар оқими.

Пакет, отбрасываемый на приемной стороне

О

uz - ташлаб юборилган пакет
en - aborted packet

вследствие низкого показателя достоверности информации или недопустимо большой задержки. Обычно такая ситуация возникает при перегрузке сети, когда время доставки пакета адресату превышает предел, определяемый протоколом связи.

Қабул қилиш томонда ахборотнинг ишончлилиги кўрсаткичи паст бўлганда ёки йўл қўйиб бўлмайдиган даражада узок кечикканда ташлаб юборилдиган пакет. Бундай вазият тармоқ ўта юкланиш остида бўлганда, пакетни адресатга етказиб бериш вақти алоқа протоколи билан белгиланадиган чегарадан ошганда вужудга келади.

Отказ в обслуживании

uz - хизмат кўрсатишнинг рад этилиши
en - Denial of Service (DoS)

Отбрасывание запросов на установление доступа по результатам процедуры проверки.

Текшириш натижаларига кўра, эркин фойдаланиш юзасидан сўровларни чиқариб ташлаш.

Отказ в разъединении

uz - узиб қўйишнинг рад этилиши
en - disengagement denial

Неудачная попытка разрыва соединения, возникающая вследствие неисправности оборудования. Это приводит к тому, что период разъединения линии становится чрезвычайно большим.

Ускунанинг носозлиги оқибатида юзага келадиган, уланишни узиб қўйишга бўлган муваффақиятсиз уриниш. Бу, линиянинг узиб қўйилиш даври жуда узок бўлишига олиб келади.

П

Пакет

uz - пакет
en - packet

1. Последовательность информационных и служебных символов, передаваемая, обрабатываемая и коммутируемая как единое целое. Типовой пакет состоит из заголовка, информационной части (обычно определенного формата) и постамбулы. Пакеты бывают фиксированной или переменной длины, но в отличие от сообщений, размер пакета сравнительно небольшой – от 50 до 1000 byte.
2. Единица объема трафика в сетях с коммутаци-

II

ей пакетов при их фиксированной длине.

1. Яхлит бир бутун сифатида узатиладиган, коммутацияланадиган ва қайта ишланадиган ахборот ҳамда хизмат символлари кетма-кетлиги. Намунавий пакет сарлавҳа, ахборот қисми ва постанбуладан иборат. Пакетларнинг узунлиги қатъий ёки ўзгарувчан бўлади, бироқ, хабарлардан фарқли равишда, пакетнинг ҳажми унча катта эмас – 50 дан 1000 byte гача.

2. Қайд қилинган узунликдаги пакетлар коммутацияланган тармоқлардаги трафикнинг ҳажми (сигим) бирлиги.

Пакетный фильтр

uz - пакет фильтри

en - packet filter

Программа обработки и сортировки пакетов, анализирующая структуру заголовка с целью выбора пути дальнейшей маршрутизации пакета.

Пакетнинг бундан кейинги маршрутлаш йўлини танлаш мақсадида, сарлавҳа структурасини таҳлил қилувчи, пакетларни қайта ишлаш ҳамда саралаш дастури.

Параметр потока

телефонных вызовов

uz - телефон чақирувлар

оқими параметри

en - telephone call flow

parameter

Предел отношения вероятности поступления хотя бы одного телефонного вызова за бесконечно малый интервал времени к длине этого интервала.

Чексиз кичик вақт интервали ичида камида битта телефон чақирув келиш эҳтимоллигининг, шу интервал узунлигига бўлган нисбатининг чегараси.

Первичный

телефонный вызов

uz - бирламчи телефон

чақирув

en - first telephone call

Первый из потока телефонных вызовов, поступающих от одного оконечного абонентского телефонного устройства для установления одного соединения.

Битта боғланишни ўрнатиш учун битта четки абонент телефон қурилмасидан келадиган телефон чақирувлар оқимининг биринчиси.

Переадресация вызова

uz - чақирувни қайта

адреслаш

Дополнительный вид обслуживания абонента телефонной сети, позволяющий абоненту передавать поступающий к нему вызов на другой теле-

II

en - call forwarding

фонный аппарат, номер которого заранее сообщается им на коммутационную станцию.

Телефон тармоғи абонентига хизмат кўрсатишнинг қўшимча тури. Абонентга, рақами коммутация станциясига олдиндан абонент томонидан хабар қилинадиган бошқа телефон аппаратга, ўзига келаётган чақирувни узатиш имконини беради.

Передача данных (ПД)

uz - маълумотлар узатиш (МУ)

en - data transmission

Перенос данных в виде сигналов из одного пункта в другой средствами телекоммуникаций для последующей обработки.

Сигналлар кўринишидаги маълумотларни телекоммуникациялар воситалари ёрдамида бир пунктдан бошқа пунктга, кейинчалик қайта ишлаш мақсадида кўчириш.

Перемаршрутизация

uz - қайта маршрутлаш

en - rerouting

Установление соединения в обход неисправного сетевого элемента.

Носоз тармоқ элементини четлаб ўтиб, уланишни ўрнатиш.

Переменная

скорость передачи

uz - ўзгарувчан узатиш тезлиги

en - variable bit rate (VBR)

Информация, которая может быть представлена в цифровом виде группами битов (в противоположность потокам), характеризующихся переменной битовой скоростью. Большинство приложений, работающих с данными, генерируют трафик VBR, который может переносить задержки.

Ўзгарувчан бит тезлик билан тавсифланувчи рақамли шаклдаги битлар гуруҳи орқали тақдим этилиши мумкин бўлган ахборот. Маълумотлар билан ишлайдиган дастурларнинг аксарияти кечикишни кўчирадиган VBR трафигини генерациялайди.

**Пересчетчик коммутацион-
ной телеграфной станции**

uz - коммутация телеграф

Устройство коммутационной телеграфной станции, предназначенное для преобразования адресной информации или ее части в сигналы, исполь-

II

станциясининг қайта
ҳисоблагичи
en - telegraph switching
exchange translator

зубе в процессе установления соединения.

Коммутация телеграф станциясининг, адресли ахборотни ёки унинг қисмларини уланиш ўрнатилиши жараёнида фойдаланиладиган сигналларга айлантириш учун мўлжалланган қурилмаси.

Периодический опрос узлов
uz - узелларни даврий сўраш
en - node guarding

Метод контроля, при котором через определенные промежутки времени осуществляется опрос всех работающих узлов с целью обнаружения тех, которые в данный момент отключены от общей шины.

Назорат методи, бунда муайян вақт оралиғи ичида умумий шинадан узилиб қолган узелларни аниқлаш мақсадида, ишлаётган барча узелларни сўраш амалга оширилади.

Петля
uz - ҳалқа
en - loop

Пара проводников, связывающая пользователя с коммутационным центром.

Фойдаланувчини коммутация маркази билан боғлайдиган жуфт сим.

Плотность телефонная
uz - телефон зичлиги
en - telephone density

Количество телефонных аппаратов на 100 жителей. Телефонная плотность измеряется в процентах.

100 та яшовчига тўғри келадиган телефон аппаратлари сони. Телефон зичлиги фоизларда ўлчанади.

Повторный вызов абонента без набора
uz - абонент номерини термасдан такрор чақирув
en - automatic redialing

Дополнительный вид обслуживания абонента телефонной сети, позволяющий после отбоя и разъединения соединения проводить повторный вызов абонента без набора снятием микротелефона с рычажного переключателя телефонного аппарата.

Телефон тармоғи абонентига хизмат кўрсатишнинг қўшимча тури. Отбойдан ва боғланиш узилгандан кейин, термасдан, микротелефонни телефон аппаратининг ричагли узиб-улагичидан

II

олиш билан абонентни қайта чақириш амалга оширилишини таъминлайди.

Повторный телефонный вызов

uz - такрорий телефон чақируви

en - repeated telephone call

Телефонный вызов, поступающий от одного и того же оконечного абонентского телефонного устройства после отказа в обслуживании предшествующего вызова с целью установления одного и того же соединения в течение определенного интервала времени.

Муайян вақт интервали мобайнида айнан бир боғланишни ўрнатиш мақсадида, аввалги чақирувга хизмат кўрсатиш рад этилгандан кейин, айнан бир четки абонент телефон қурилмасидан келадиган телефон чақирув.

Подключение к занятой линии

uz - банд линияга уланиш

en - connecting to busy line

Возможность подключения абонента к линии связи, по которой уже ведется телефонный разговор.

Абонентнинг телефон сўзлашув олиб борилаётган алоқа линиясига уланиш имконияти.

Подключение по разделенным линиям

uz - ажратилган линиялар бўйича уланиш

en - split homing

Подсоединение абонентского оборудования к узлу сети с помощью нескольких соединительных линий, по каждой из которых может передаваться независимый поток информации.

Абонент ускунасини, ҳар бири орқали алоҳида ахборот оқими узатиладиган бир нечта боғловчи линия ёрдамида тармоқ узелига улаш.

Подсистема автоматизированных рабочих мест телефонистов

uz - телефончилар

автоматлаштирилган иш ўринларининг қуйи тизими

en - operator's desks subsystem

Подсистема, предназначенная для обеспечения абонентов всеми видами телефонной полуавтоматической связи по заказной и немедленной системам обслуживания, а также предоставления дополнительных услуг.

Абонентларни буюртма ва тезда хизмат кўрсатиш тизимлари орқали яримавтоматик телефон алоқасининг барча турлари билан таъминлаш, шунингдек қўшимча хизматлар кўрсатиш учун мўлжалланган қуйи тизим.

Подтверждение доставки сообщения

Квитанция, посылаемая в направлении, обратном передаче сообщения, которая подтверждает, что

II

uz - хабар етказиб берилган-
лигини тасдиқлаш
en - delivery confirmation

Подуровень сближения/ конвергенции

с звеном передачи

uz - узатиш звеноси билан
яқинлашиш/конвергенция
қуйи сатҳи
en - transmission
convergence sublayer

Поисковая сигнализация абонента

uz - абонентни излаш
сигнализацияси
en - paging

Поле общего контроля потока

uz - оқимни умумий назорат
қилиш майдони
en - generic flow control field

Полнодоступное включение со сдвигом линий (каналов) телефонной сети

uz - телефон тармоғи линия-
лари (каналлари) ни суриш
билан тўлиқ уланиш
en - telephone network shifted
full-available line connection

сообщение успешно принято.

Хабарни узатиш йўналишига тескари йўналишда узатиладиган, хабар муваффақиятли қабул қилинганлигини тасдиқловчи қвитанция.

Один из двух подуровней физического уровня, который определяет протокол подготовки передачи по физической среде с помощью обрабатывающий ячейки для передачи через физическую среду и определяемый подуровнем PMD.

Физик сатҳ иккита қуйи сатҳидан бири. Физик муҳит бўйлаб узатиш мақсадида ячейкаларни қайта ишлайдиган ҳамда PMD қуйи сатҳ билан аниқланадиган протоколни белгилайди.

Дополнительный вид обслуживания абонента телефонной сети, позволяющий оповещать абонента, уходящего со своего рабочего места, во всех местах его возможного пребывания о поступлении вызова.

Телефон тармоғи абонентига хизмат кўрсатишнинг қўшимча тури. Ўз иш жойидан кетаётган абонентни, у бўлиши мумкин бўлган жойларда чақирув келганлиги тўғрисида хабардор қилиш имкониятини беради.

Четыре бита приоритета в заголовке АТМ.

АТМ сарлавҳасидаги устуворликнинг тўртта бити.

Включение линий (каналов) телефонной сети, при котором каждая линия (канал) пучка включается в разноименные выходы нагрузочных групп коммутационного поля.

Телефон тармоғи линиялари (каналлари) нинг уланиши, бунда боғламнинг ҳар бир линияси (каналли) коммутация майдони юкланиш гуруҳларининг турли чиқишларига уланади.

П

Полнодоступный пучок линий (каналов) телефонной сети

uz - телефон тармоғи линиялари (каналлари) нинг тўла фойдалана олиш мумкин бўлган боғлами
en - full-available telephone network circuit group

Полуавтоматический способ установления соединения

uz - боғланиш ўрнатилишининг ярим автоматик усули
en - semiautomatic connection

Помеченный пакет

uz - белгиланган пакет
en - labeling packet

Порядок обслуживания телефонных вызовов

uz - телефон чақирувларга хизмат кўрсатиш тартиби
en - telephone call service order

Постоянная виртуальная цепь

uz - доимий виртуал занжир
en - permanent virtual circuit (PVC)

